

:... .. :... ..
... .. !!... ..
:... .. :... ..
... .. :... ..
... .. :... .. !!... ..
... .. :... ..
... .. :... ..
[3436] .«... .. :... ..
2550/8]

... .. :«... ..»
:... ..
... .. :... ..
«... ..» :... ..
«... ..» :... .. «... ..
... .. :... ..
... .. :... ..
... .. :... ..
... .. :... .. «... ..

1. 266. Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Уч кишигина бешикда туриб гапирган: Ийсо ибн Марям ва Журайж воқеасидаги бола. Журайж ибодатли киши эди. У ўзига бир ибодатхона қилиб олган эди. Ўша жойда намоз ўқиётган эди, онаси келиб, «Эй Журайж!» деди. У «Эй Роббим, онам(га жавоб берай)ми ё намозим(ни ўқийвераёми?)» деди-да, намозида давом этди. Онаси қайтиб кетди. Эртаси куни у намоз ўқиётганида яна унинг олдига келиб, «Эй Журайж!» деди. У яна: «Эй Роббим, онамми, намозимми?» деди-да, намозида давом этди. Онаси қайтиб кетди. Эртаси куни у намоз ўқиётганида яна унинг олдига келиб, «Эй Журайж!» деди. У яна: «Роббим, онамми, намозимми?» деди-да, яна намозида давом этди. Шунда онаси: «Аллоҳим, фоҳишаларнинг бетига қарамагунича уни жонини олмагин!» деди.**

Бану Исроил қавми Журайж ва унинг ибодати ҳақида гапириб юришди. Ҳусну жамоли зарбулмасал қилинадиган бир фоҳиша бор эди, ўша «Хоҳласангиз, сизлар учун мен уни фитнага солиб қўяман», деди. Аёл унга ўзини таклиф қилди, лекин у аёлга қарамади. Шунда аёл унинг ибодатхонаси ёнида ётиб юрадиган бир қўйчивоннинг олдига келиб, унга ўзини топширди. У аёл билан яқинлик қилгач, ҳомиладор бўлди. Аёл тукқач, «Бу Журайждан», деди. Одамлар унинг олдига келиб, узлатгоҳидан тортиб тушириб, уни бузиб ташлашди, ўзини эса ура бошлашди. Шунда у: «Сизларга нима бўлди?» деди. «Сен манави фоҳиша билан зино қилибсан, мана, сендан бола туғибди-ку», дейишди. У: «Қани ўша бола?» деди. Уни олиб келишди. «Мени тек қўйинглар, намоз ўқиб олай», деди-да, намоз ўқиди. Ўқиб

бўлгач, боланинг олдига келиб, унинг қорнига ниқтаб, «Эй бола, сенинг отанг ким?» деган эди, у «Фалончи қўйчивон», деди. Одамлар Журайжга ёпишиб, уни ўпиб, силаб-сийпай бошлашди, «Энди ибодатхонангни тилладан қуриб берамиз», дейишди. «Йўқ, аввал қандай бўлса, шундай қилиб, лойдан қуриб беринглар!» деди. Шундай қилишди».

(Учинчиси шуки,) **бир она боласини эмизаётган эди, кўриниши кўркам, чиройли отга минган бир киши ўтиб қолди. Она: «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин!» деди. Бола кўкракни қўйиб, унга қаради-да, «Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин!» деди. Сўнгра яна кўкракка юзланиб, уни эма бошлади».**

(Абу Хурайра айтади «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам боланинг эмганини айтиб бераётиб, кўрсаткич бармоқларини оғизларига солиб, уни сўра бошлаганлари ҳамон кўз олдимда»).

«Сўнг бир жорияни олиб ўтишди. Одамлар уни уришар, «Сен зино қилдинг, ўғирлик қилдинг», дейишар, у эса: «Аллоҳ менга кифоя, У қандай яхши вакил», дер эди. Шунда онаси: «Аллоҳим, ўғлимни унга ўхшатмагин!» деди. Бола эса эмишдан тўхтаб, унга қаради-да, «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин», деди. Шунда иккови тортишиб қолишди. Аёл шундай деди: «Кўркам одам ўтганда «Аллоҳим, ўғлимни шунга ўхшатгин!» десам, «Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин», дединг. Энди мана бу жорияни олиб ўтишди, уни уриб, «Сен зино қилдинг, ўғирлик қилдинг», дейишди. Мен: «Аллоҳим, ўғлимни унга ўхшатмагин» десам, сен: «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин» дейсан!». Шунда бола деди: «Ўша киши мутакаббир эди. Шунинг учун «Аллоҳим, мени унга ўхшатмагин», дедим. Бу аёлга эса «Сен зино қилдинг» дейишяпти, лекин у зино қилмаган. «Ўғирлик қилдинг» дейишяпти, лекин у ўғирлик қилмаган. Шунинг учун «Аллоҳим, мени унга ўхшатгин», дедим».

Муттафақун алайҳ.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

